



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SHOHRUD" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"SHOHRUD" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.04.1995

648

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

200851914

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Buxoro viloyati, Buxoro shahri, B.NAQSHBAND KO'CHASI 195-UY,

Guvohnoma:

Buxoro viloyati, Buxoro shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyekti qayta ro'yxatdan o'tkazganlik haqida
ma'lumotnoma

18.07.2022 F.

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekti nomi 200851914, SHOHRUD	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekti nomi O'zgarishsiz
2	THSH Aksiyadorlik jamiyati	THSH O'zgarishsiz
3	Faoliyat yuritish manzili Buxoro viloyati, Buxoro shahri, B.NAQSHBAND KO'CHASI 195-UY,	Faoliyat yuritish manzili O'zgarishsiz
4	IFUT Spiriti ichimliklarni distillash, tozalash va aralashtrish	IFUT O'zgarishsiz

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Tasischi turi	Tasischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	200851914	SHOHRUD AKTSIYADORLARI	3 002 064 000.00	100.00 %
Ustav fondi 3 002 064 000.00 UZS				100.00 %

Buxoro viloyati, Buxoro shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

Imzo: 1986 AZIZBEK ILNAZAROV OLIMDUNOVICH

Бухоро шаҳри ДСМ

(рўйхатга олувчи органнинг номи)

томонидан 2020 йил 18.07

526470 -сон реестр

рақами билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

М.Ў.

«SHOHRUD»

Aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2021 йил яқунлари
бўйича 2022 йил 30 июнда ўтказилган
навбатдаги ҳисобот умумий
йиғилиши қарори билан



«SHOHRUD»

aksiyadorlik jamiyatining

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИРДА)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «**SHOHRUD**» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда «жамият» деб юритилади мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда «Қонун» деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитасининг 1995 йил 10 январдаги 965-сонли буйруғига асосан хусусийлаштирилиб, 1995 йил 6 апрелда Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан 316-сонли гувоҳнома берилган.

Мазкур устав жамият акциядорларининг 2021 йил якунлари юзасидапн 2022 йил 30 июнда ўтказилган навбатдагит ҳисобот умумий йиғилиши қарори билане тасдиқланган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: «SHOHRUD» aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида: акционерное общество «SHOHRUD»

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: «SHOHRUD» AJ

Рус тилида: АО «SHOHRUD»

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 195 уй. Индекс: 200100.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили: shohrudbuh@mail.ru.

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.shohrud.uz.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш, маҳаллий-хом-ашё негизида шароб маҳсулотларини, жумладан қайнар шароблар ишлаб чиқариш, қайта ишлов беришни, жисмоний ва юридик шахсларга сотишни амалга оширади.

2.2. Жамият ўз мақсадларида эришиш учун қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:

-қишлоқ-хўжалик, чорвачилик, мева ва сабзавотчилик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, етвозиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш;

-қандалотчилик маҳсулотлари ва бошқа ширинликлар мавжуд бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;

-маҳаллий хом-ашё манбаларидан, ишлаб чиқариш чикиндиладан фойдаланиб, экологик жихатдан тоза технологиялардан фойдаланиб, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

-жамиятга тегишли автомобиллар билан пуллик хизмат курсатиш;

-реклама фаолияти билан шуғулланиш;

-хусусий-тижорат воситачилик ва ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, кичик ҳамда қушма корхоналар тармоқларини, тижорат марказлари, майда улугуржи воситачи ва чакана савдо дуконлари, савдо уйлари, улугуржи ярмаркалари очиш;

-ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришга доир ишлаб чиқариш ҳамда тижорат-воситачилик хизматларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчилардан уларнинг қайси идорага бўйсиниши ва мулкчилар шаклларида катъий назар, моддий ресурслар ва товарларини эркин сотиб олишни ҳамда уларни харидорларга сотишни ташкил этиш;

-хом-ашё тайрлаш, маҳсулотлар ва товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо

воситалари, шунингдек хорижий фирмалар билан контрактлар ва тугридан-тугри шартномалар тузиш йўли билан товар ресурсларини харид қилиш;

-ижтимоий ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларда қурилаётган ва қайта қурилаётган савдо корхоналарини асбоб ускуналар ва бошқа махсулотлар билан таъминлаш;

-ўзи ишлаб чиқарган махсулотини сўмга ва валютага сотиш учун турли хилдаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналарини очиш;

- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

II. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди **3 002 064 000,0** сўмни ташкил қилиб, у ҳар бирининг номинал қиймати **500** сўм бўлган **5 961 312** дона оддий ва **42 816** дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори **500** номинал қиймати жами **4 000 000 000,0** сўм бўлган **3 960 0000** дона оддий ва **40000** дона имтиёзли акциялардан иборат.

3.6. Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа бозорида ёки биржадан ташқари бозорда жойлаштирилади.

3.8. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш

3.10. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.11. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав фонди (устав капитали)ни камайтиришга ҳақли эмас.

3.12. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

III. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли

қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

4.2. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг **20** фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.3. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.4. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.6. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.8. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ой натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ой натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондиди ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав фонди (устав капитали)нинг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига Ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органлари-акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва бошқарув органи.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг

йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

-жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

-жамиятни қайта ташкил этиш;

-жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

-жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

-жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш;

-жамиятнинг устав фонди (капитали)ни камайитириш;

-ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, бошқарув органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

-жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

-жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

-жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

-акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

-акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

-акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

-жамиятнинг бошқарув органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

-қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.5. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.

8.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

-жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият бошқарув органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

-акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

-акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

-акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

-акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

-жамият уставининг 7.3 бандида кўрсатилган масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

-мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

-жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

-жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

-ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

-жамият бошқарув органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

-аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

-дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

-жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

-жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

-жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

-қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

-аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

-қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

-жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

-жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

8.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб

ҳисобланади.

8.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

8.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

8.9. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.10. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув органи раҳбари, бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

9.2. Бошқарув раиси жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

9.3. Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

9.4. Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади ва уларнинг сони 5 кишидан иборат бўлади. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

9.5. Бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

9.6. Бошқарув раисининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.7. Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

9.8. Бошқарув раисининг ваколатларига қуйидагилар киради:

-мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

-Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

-жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

-штатларни тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини

таъминлаш;

-жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

-жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

-ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

-акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

-амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

-амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

9.9.Бошқарув раисининг вазифалари:

-ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

-акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

-акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгашига йиллик бизнес-режа ижроси бўйича, ҳамда ўз ваколатига кирувчи бошқа ишлар бўйича ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

-жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

-жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

-жамият фаолиятини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

-жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

-жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

-жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш;

-жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки жамият ташқи аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этилиши;

-давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

-жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

-хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

-жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

-меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

-жамоа музокораларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

-узоқ муддатли хизмат сафари ва меҳнат таътили вақтини Кузатув кенгаши билан келишиш, ўзи йўқлиги даврида бошқарув раиси вазифасини бажарувчи тўғрисида Кузатув кенгашига ахборот бериш;

-мазкур Устав ва қонунчилик билан ижроия органи ваколатига киритилган бошқа масалаларни амалга ошириш.

9.10. Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан бошқарув раиси ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустақил ҳал этиш;

-акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

-акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблагларини тасарруф қилиш;

-шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

-ишончномалар бериш;

-банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;

-ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар бериш;

-ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;

-жамоа музокараларида жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;

-жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;

-жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа қоида ва тартибларга, шунингдек меҳнат шартномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;

-ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;

-мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

9.11. Бошқарув раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

9.12. Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

9.13. Бошқарув раиси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Бошқарув органи тўғрисида» ги Низом асосида иш олиб боради.

Жамият коллегиял бошқарув органининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

-жамият бўлимлари фаолиятини ва ишлаб чиқаришини муваффақиятли бажариш.

-ўз ваколат доирасида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолият масалалари бўйича буйруқлар чиқариш;

-меҳнат ва техник интизом (ички меҳнат тартиби қоидалари, устав ва интизом тўғрисидаги низом ва қоидалар)га риоя қилиш;

-жамиятнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига раҳбарлик қилиш.

-меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг самаралигини ва рентабеллигини оширишга қаратилган жамиятнинг иқтисодий фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш.

-лавозим йўриқномаси, меҳнат шартномаси ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

9.7. Жамият бошқарув органини тузиш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

9.8. Жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ҳамда улар билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.9. Жамиятнинг бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамият бошқарув органи хизматига ҳақ тўлаш ҳамда ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори жамиятнинг “Бошқарув органи тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

9.10. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани агар бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

9.12. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

9.14. Жамият бошқарув органи фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият бошқарув органи тўғрисида”ги Низомга асосан тартибга солинади.

10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ, БОШҚАРУВ РАИСИ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ва белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10.2. Агар ушбу боб қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

10.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

11. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Жамиятнинг ички аудит хизмати

11.1. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати

жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг бошқарув органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг бошқарув органи, филиаллари ва ваколатхоналари иштини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

11.3. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

Жамиятнинг ташқи аудиторлик ташкилоти

11.4. Ташқи аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ҳамда аудиторлик хулосасини тақдим этади.

11.5. Ташқи аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

11.6. Жамиятнинг ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш танлов асосида умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг мажлис қарорлари асосида амалга оширилади.

11. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИСИ

12.1. Жамият Кузатув кенгаши томонидан унга ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиши мумкин.

12.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган шартнома ва тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

13.3. Мазкур Устав Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

13.4. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

“Shohrud” aksiyadorlik jamiyati
бошқарув раиси



М.М.Қурбанов